

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

---

ФАРҒОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.  
ILMIY  
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади  
Йилда 6 марта чиқади

6-2019

**НАУЧНЫЙ  
ВЕСТНИК.  
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года  
Выходит 6 раз в год

<b>А.Бердиалиев, М.Зокиров</b>	
Лингвистик интерференция ва унинг ўзбек-тожик тиллари контактига алоқаси .....	88
<b>Ш.Турдиматова</b>	
Функционимлар ва уларнинг тил луғат таркибининг макроқурилмалар тизимига мансуб ҳодисалар билан ўзаро муносабати ҳақида .....	92
<b>М.Эргашев</b>	
Инглиз ва ўзбек тилларида “феълли боғланиш” лисоний категория сифатида .....	98
<b>Х.Исмоилов</b>	
Суд нутқининг социолингвистик таҳлилига доир .....	101

## ИЛМИЙ АХБОРОТ

<b>Г.Тиллабаева</b>	
Биринчи тартибли чизиқли оддий дифференциал тенгламалар учун кўп нуқтали чегаравий масала .....	105
<b>М.Аҳмедов, Х.Далиев, М.Онаркулов</b>	
(ВIXSB1-X) 2TE3 поликристалл тензосезгир пленкаларнинг электронографик таҳлили .....	109
<b>М.Ҳакимов, М.Маматкулов</b>	
Табиий шарбат олиш учун мева ва сабзавотларни қайта ишлайдиган ШҚМ-18 қурилманинг амалдаги намунасини ишлаб чиқиш .....	112
<b>М.Холиков</b>	
Паразитизмнинг пайдо бўлиши ва оқибатлари .....	114
<b>Ф.Адилов</b>	
Ўзбекистон ва Озарбайжон халқлари ўртасидаги маданий ҳамкорлик алоқалари (кино ва театр соҳаси мисолида) .....	116
<b>Т.Тургунбаев</b>	
Кимёвий қуролларнинг яратилиш тарихи, жанговар қўлланилиш тавсифи ва уларнинг инсон организмга таъсири .....	119
<b>Э.Тажимирзаев</b>	
Фарғона водийси қишлоқларидаги маданий муассасалар фаолияти тарихидан (кино санъати мисолида) .....	123
<b>Р.Аҳмедова</b>	
Фарғона физиотерапия институтининг ташкил топиш ва фаолияти тарихидан (1923-1950 йиллар) ...	126
<b>В.Ишқуватов</b>	
Ўзбекистонда маҳалланинг моҳияти ва ўзига хослиги .....	129
<b>К.Пулатов</b>	
XX аср 50-йиллар охири 60-йиллар бошида Ўзбекистонда ижтимоий ва сиёсий ҳаёт (Фарғона водийси мисолида) .....	132
<b>С.Мўминов, Ш.Мўминов</b>	
Мутолаа маданиятининг лингвокультурологик тамойиллари .....	135
<b>Б.Жўраева</b>	
«Қорамол» ЛМГи асосида шаклланган ўзбек халқ мақолларининг услубий хусусиятлари .....	137
<b>М.Назирқулова</b>	
9-синфда Фурқатнинг “Фасли навбаҳор ўлди” ғазали матни устида ишлаш .....	140
<b>М.Саидқабарова</b>	
Қиссадан ҳиссанинг ғоявий-фалсафий функциялари .....	144
<b>М.Деҳқонова</b>	
Наим Каримов ижодининг ойбекшунослик тараққиётидаги ўрни .....	147
<b>Ф.Анварова</b>	
Бошланғич синфларда инглиз тилини тинглаб тушуниш орқали ўқитиш бўйича айрим тавсиялар .....	151
<b>И.Қирғизов, Ғ.Нажметдинов, А.Исмоилов</b>	
Муסיқий таълимда аждодлар меросидан фойдаланиш амалиёти .....	154
<b>Ф.Эркабаева</b>	
Замонавий маҳобатли рангасвир санъатида мусаввир ижодининг нафис чизгилари .....	156
<b>А.Хасанов</b>	
Ҳарбий таълим факультети талабаларининг ўқув йиғинлари даврида жисмоний машқлар билан шуғулланиш шакллари ҳамда воситаларини аниқлаш .....	159

## ФАНИМИЗ ФИДОЙИЛАРИ

<b>Аҳмаджон Қўшақович Ўринов</b> .....	163
--	-----

## БИБЛИОГРАФИЯ

Библиография .....	166
--------------------	-----

## НАИМ КАРИМОВ ИЖОДИНИНГ ОЙБЕКШУНОСЛИК ТАРАҚҚИЁТИДАГИ ЎРНИ

## МЕСТО ТВОРЧЕСТВА НАИМА КАРИМОВА В РАЗВИТИИ АЙБЕКОВЕДЕНИЯ

## THE PLACE OF CREATION OF NAIM KARIMOV IN THE DEVELOPMENT OF THE STUDIES OF OYBEK

М.Деҳқонова

**Аннотация**

Мақолада Наим Каримовнинг ойбекшунослик тараққиётига қўшган ҳиссаси “Ойбек” китоби таҳлили орқали ёритилган. Наим Каримов услубига хос жиҳатлар тадқиқ этилган.

**Аннотация**

В статье посредством анализа книги “Айбек” освещен вклад Наима Каримова в развитие айбековедения. Исследованы особенности, свойственные стилю Наима Каримова.

**Annotation**

The contributions of Naim Karimov to the development of Oybek's writing by the book “Oybek”. The peculiarities of Naim Karimov's style are investigated.

**Таянч сўз ва иборалар:** метод, услуб, ойбекшунослик, тарихий-биографик тадқиқот, тарихий ҳақиқат, тарихий роман, табиат тасвири.

**Ключевые слова и выражения:** метод, стиль, айбековедение, историко-биографическое исследование, историческая истина, исторический роман, изображение природы.

**Keywords and expressions:** method, technique, studying Oybek's works, historical biographical research, historical truth, historical novel, picture of nature, method, technique, studying Oybek's works, historical biographical research, historical truth, historical novel, picture of nature.

Мустақиллик йилларида тарихий-биографик тадқиқотлар яратилган эътибор кучайди. М.Қўшжонов, О.Шарафиддинов, Н.Каримов, У.Норматов, Б.Қосимов, С.Аҳмедов, А.Жалолов, И.Ҳаққулов сингари адабиётшуносларнинг XX аср адабиёти ҳақидаги тадқиқотлари шулар жумласидандир. Улар сафига Б.Каримов, Н. Жабборов, Д.Қурононов, У.Ҳамдам, С.Мелиев, Ш.Ризаев каби кейинги авлод вакилларининг салмоқли изланишларини қўшиш мумкин. Ўзбек адабиётшунослиги ва танқидчилиги ривожидида Республикада хизмат кўрсатган фан арбоби, Абу Райҳон Беруний номидаги Давлат мукофоти лауреати, академик Наим Каримовнинг алоҳида ўрни бор. Унинг кенг ва қамровли ижоди XX асрнинг иккинчи ярми адабиётшунослигида муҳим ўрин тутди. Матёқуб Қўшжонов, Озод Шарафиддинов, Салоҳиддин Мамажонов, Азиз Қажумов, Наим Каримовлар авлодининг бахти шундаки, улар ижодининг бошланиш ва шаклланиш даври жамиятда илиқ шабадалар эса бошлаган янгиланиш паллаларига тўғри келди. XX аср ўзбек танқиди ва адабиётшунослигида бўй кўрсатган янгиланишлар ҳам 50-йилларнинг охирида 60-йилларнинг аввалида мана шу авлод ижодида ёрқинроқ намоён бўла бошлади. Н. Каримов Беҳбудий ва Ҳамзадан тортиб, Ҳ.Худойбердиева

ва Усмон Азимгача бўлган кўплаб шоир ва адиблар ҳақида тадқиқотлар яратди, мақолалар ёзди. Бунга ишонч ҳосил қилиш учун унинг биргина «XX аср адабиёти манзаралари» номли салмоқли китобига назар ташлашнинг ўзи kifоя. Ойбек шахси ва ижоди ҳақида Н.Каримов қатор тадқиқотлар яратди. Уларда Ойбек фаолияти ва ижодининг адабиётшуносликда маълум бўлмаган қирралари ёритилди. Чорак аср ичида Ойбек ҳақида эълон қилинган юзга яқин мақола, беш китоб, Ойбекнинг “Мукаммал асарлар тўплами” бунга далилдир. Гап фақат мақола, китоб, бажарилган иш саноғидагина эмас, уларнинг салмоғида, моҳиятида, янгиллигида, янги замоннинг янги талабларига муносиб эканидандир. Ҳақиқатан ҳам олим умрининг деярли ярмидан кўп ёхуд мутахассис сифатидаги бутун фаолиятининг изчил ва систем даври бевосита Ойбек ҳаёти, ижодини ўрганиш, тарғиб этиш, буюк адиб хонадони, муҳити билан чамбарчас алоқадордир. Ойбек вафотидан кейин бу хонадонда ўтган бирорта адабий, маданий, удумий тадбир йўқки, унга бу фидойи олим бош-қош бўлмаган бўлсин. Улуғ ёзувчи мероси жамланиб, изчил назардан ўтказилиб, вариантлари-ю, изоҳлари билан йигирма

М.Деҳқонова – ФДУ, мустақил изланувчи.

жилдлик академик нашр сифатида китобхонлар кўлига етиб боришида адибнинг рафиқаси муҳтарама Зарифа ая Саидносированинг ҳамда мутахассис сифатида, Н.Каримовнинг хизматлари жуда катта. Н.Каримов Ойбекнинг 20 жилдлик «Мукаммал асарлар»ини нашрга тайёрлаш жараёнида адибнинг иш услубини, роман ёзишга тайёргарлик кўриши, образлар устида ишлаши, қаҳрамонлари прототларини, тарихий манбаларни кузатади. Таҳлил асносида улуғ Ойбекнинг заҳматкаш ёзувчилигини ёритиб беради. Ойбек ҳаёти ва ижодини тинимсиз ўрганиш натижасида Н.Каримов «Ойбек» (1985), «Ойбек гулшанида қолган ғунчалар» (1985), «Ойбек ва Зарифа» (1990), «Илҳом чашмасининг ажиб мавжлари» (1982), «Уч буюк сиймо» (Абдулла Қодирий, Чўлпон, Ойбек) (2019) сингари асарларини чоп эттирди. Бундан ташқари Зарифа Саидносирова ҳаётлигида чоп этишга улгурмаган «Ойбегим менинг» китобини муаллиф илтимосига кўра Наим Каримов ниҳоясига етказди. Асосийси, мунаққид мақолаларининг деярли ҳар бирида адиб ҳақида адабиётшуносликка номаълум бўлган янгиликларни олиб киришга интилади. Наим Каримовнинг Ойбек ижодига муносабати буюк сиймоларимиз қиёфасини китобхонларга, шу билан бирга келгуси авлодларга барҳаёт етказишда, шубҳасиз, катта аҳамиятга эгадир. Унинг «Ойбек» номли рисоласи нафақат адиб асарлари таҳлилига, балки унинг гўдаклигидан токи Ойбек тахаллусини олиб, ёзувчи бўлиб етишган давригача батафсил маълумот беради. Адиб китобини Ойбек тахаллусининг таърифидан бошлайди. Шоирнинг туғилишини у ўсган маҳалланинг манзараси ва аҳолининг турмуш тарзигача тасвирлайди. Унинг ҳаётида муҳим ўрин тутган бобоси, отаси, онаси ҳақида тасвирларни бирма-бир баён этади. Ойбекни Оқмасжид ёнига етаклаб борган бобосининг кўлини тутган болакайнинг ҳаяжонларини, онаси ва опасидан эшитган Навоий ва Фузулийнинг ғазалларига маҳлиё болакайни тасвирлайди. Кейинчалик у янги мактабда, таълим-тарбия техникумидаги фаолияти, унга таъсир кўрсата олган рус тили муаллими Горяновни, Миркарим Осим билан ёш шоирнинг суҳбати, Мурод Шамснинг боғ ҳовлисида ўтган ижодий ҳаёти билан бир қатор таништиради. Мусо Тошмуҳаммад ўғли 1922 йилда «Чолғу товуши» шеърини яратади ва уни биринчи марта Ойбек тахаллуси билан эълон қилади. Унинг дастлабки шеърлари ҳам мунгли оҳангда яратилган. Ойбекнинг болалиги ҳақида фикр юритганда, унинг ўша давр ижодида икки хил

оҳанг мавжудлиги: бири шўх ва ўйноқи, иккинчиси дард ва армонга тўла кўнгил ноласи уфуришини айтади. Унинг онаси вафотига бағишлаб ёзган шеърини таҳлил қилар экан, бу шеър эмас, она қабри устига тўкилган кўз ёш дея таърифлайди:

Кўз ёшим тинмас бу чоқ,  
Она, менга бироз боқ!  
Ҳасратингда эзилдим,  
Юзларим-кузги япроқ.

Ойбекнинг «Болалик» қиссаси ҳам унинг ёшлик йилларига бағишланган бўлиб, унда ҳам адиб онасининг сиймоси муфассал тасвирланган.

Наим Каримов ушбу фикрларига Хомил Ёқубовнинг «Мусо жуда раҳмдил, ҳассос, тез таъсирланувчи йигит эди, хатто у айрим машқ шеърларида овчиларнинг қуш отишидан, болаларнинг кўнғиз тутишидан, парранда ва ўсимликларга озор беришидан дили оғриганини ифодалайди» деган сўзларини асос қилиб олади.[1] Ойбекнинг келажак ҳақидаги ўйларини келтириб, у дастлаб Ўрта Осиё университетининг иқтисод бўлимида таҳсил олгани, шу муҳитда Зарифа деган қизни учратиши, кейинчалик унинг олдида икки йўлдан бири: адабиёт ва иқтисод турганининг ва адиб иккиланмай адабиётни танлаганини тавсифлайди. Наим Каримов Ойбекнинг адиб сифатида ном қозинишини эса унинг ўз замондошларидан кўра кўпроқ меҳнат қилганида деб билади. Наим Каримов ўз фикрига Хомил Ёқубов томонидан келтирилган фикрни далил сифатида келтиради: «Хомил Ёқубовнинг нақл қилишича, Ойбек шу йилларда бошқа илмий ходимларнинг илм-фанга алоқасиз суҳбатларидан қочиб, хонанинг бир чеккасида бирор газета бойламани ё журнал сонларини варақлаб, ўзига керакли адабий фактларни мисқоллаб териш ва билим доирасини кенгайтириш юмушлари билан банд бўлар эди»[1]. Наим Каримов «Меҳнаткаш шоирнинг 1930 йилларга келиб заҳматлари юзага чиқди ва унинг ижоди адабий танқидчиларнинг кураш майдонига айланди» дейиши бежиз эмас, албатта. Танқидчи таҳлил жараёнида Ойбекни дастлаб танқидчилар «йўловчи шоир» деб атаганини таъкидлайди. Бу пайтда Ойбек бадиий таржимага қўл урган даврлар эди.

Ойбек асарлари ҳаққонийлиги билан ажралиб туради. Наим Каримов «Бахтигул ва Соғиндиқ» достонини яралишида ҳам қозоқ чўлларига ёзувчи эшитган, тошкентлик савдогар томонидан сотиб олинган қозоқ гўзали тақдирдан таъсирланиш бор дейди. Ойбекнинг йиллар давомида такомиллашувида А.С. Пушкин таъсири катта

бўлганлигини мунаққид кўп таъкидлайди. А.С. Пушкин ижодини ўрганиш мобайнида унинг таржимон сифатида маҳорати юксалиб борди ва унинг “Евгений Онегин” ни таржима қилиши унга сўнмас шон-шухрат олиб келди. Ойбекни реалистик ёзувчи деб атаган танқидчи, адибнинг асарларининг яратилишида ўз бошидан ўтказган воқеалари ва жамиятда бўлаётган турли тўқнашувларнинг аниқ тасвирини келтиради. Ойбек бир зум ижоддан тўхтамади. “Тахминан 1936-37 йиллар кичик поэма - “Навоий”ни ёздим.Лекин бу машқ Навоий образини яратишда чизилган фақат бир эскиз эди. Кейин 1942 йил буюк полотнога ўтиб, “Навоий” романини ёздим”[1] дея таъкидлайди. Наим Каримовнинг фикрича, Ойбек тарихий романининг бошқа асарларидан устунлиги шуки, адиб Навоийни аниқ тасаввур этган. Унинг ақли, олижаноб қиёфаси, ўша давр Хирот қиёфасидан подшо лашкарларигача ўз тасаввурларида жонлантирган ва ушбу романнинг салмоғини оширган. Ойбек узоқ йиллар Алишер Навоий сиймоси билан яшагани, унинг даври билан нафас олганини Наим Каримов Ойбекнинг ушбу шеъри орқали ифодалайди:

Асрларга элтиб хаёлни,  
Баъзан ёрқин кўраман чолни...  
Нуроний юз, нуроний соқол,  
Юзларида муҳаббат малол.  
Даҳо порлар пешонасидан,  
Гўё қуёш булут ичидан.  
Буюк кўнгил ва буюк фикр  
Мавжи каби чизгиларда сир.

Муаллиф Ойбекнинг тарихий романини ёзишда Гули образи ҳақида тўхталар экан, тарихий ҳужжатларга таянмасдан, ҳақиқатни билмай туриб кенгроқ фикр юритиш адибнинг реалистик тасвир услубига хос эмаслигини айтади. Наим Каримов Ойбек ижодининг бойишида унинг уруш йиллар фронт жангчилари билан учрашувлари таъсири ҳам кўп дейди. Унинг “Зебонома”си ҳам Москвада битилган. “Фронт бўйлаб” китобчаси ҳам уруш йиллари ён дафтарча асосида яратилган. Олим Ойбекнинг 1941 йилда ёзган “Маҳмуд Таробий” операси учун билдирилган эътирозларга Ойбекнинг уруш йилларида жангчиларга янги куч бағишлаш мақсадида ёзганлиги исбот қилган ва ўз фикрида мустаҳкам тургани адиб шахсининг кучли эканлигидан далолатлигини айтади. Урушдан кейинги йилларда адабиётнинг савиясини кўтариш мақсадида Ойбек кўп меҳнат қилди. Айниқса, табиат куйчиси Ҳамид Олимжон вафотидан кейин Ойбек зиммасига жуда катта вазифалар юкланди. Ойбекнинг ташкилотчилиги билан буюк бобомиз Алишер

Навоийнинг юбилейини нишонланди. Уруш тугаши ва ғалаба нашидасига атаб “Олтин водийдан шабадалар” романини ёзди. Ойбек “Қуёш қораймас”, “Нур қидириб” сингари замонавий мавзудаги йирик асарлар яратди. Наим Каримов бу асарлар тасвир услуби ва реалистик руҳи билан ўзбек адабиёти хазинасидан мустаҳкам ўрин олганлигини таъкидлайди.

Адибнинг ўша йилларда соғлиқдан муаммолари кўпайди. Шундан сўнг буюк қаламкаш бармоқлари ёзишга қийналадиган бўлиб қолди. Сўнг оғир хасталикка учради. Наим Каримов Ойбекнинг бу ҳолатини қуйидагича изоҳлайди: “Бу 1951 йилнинг 16 апрели эди. Бундан роса 450 йил муқаддам улуғ ўзбек шоири Навоий қандай хасталикка дучор бўлган бўлса, унинг олис мухлиси, XX аср ўзбек адабиётининг ёрқин юлдузларидан бири - Ойбек ҳам худди шундай оғир дардга чалинган эди. Аммо тизгинсиз ғайрат ва шижоатга, қудратли жисм ва организмга эга бўлган адиб бу хасталикнинг жиддий оқибатларга олиб боришини хаёлига ҳам келтирмай, даволанмай юрди”[1]. Танқидчининг хотирлашича, Ойбекнинг сўздан, тилдан қолганлиги унинг дўсту ёрларини ва китобхонларни ларзага келтирди. Ойбек шу ҳолида ҳам ишни ташламади. Тинимсиз ижод қилди. Танқидчи Ойбекнинг бутун умрини икки даврга ажратди. Бир тарафда - забардаст адиб, иккинчи тарафда - бир умрга майиб бўлган инсон. Ойбек йиллар давомида хасталик билан мардона курашди. Секин-аста тилларига сўз, қўлларига қалам оладиган бўлди. У шу ҳолатда ижод қилиб, “Қуёш қораймас” (1957) романин тугатди, “Олтин водийдан шабадалар” (1958) романини қайта ишлади. “Улуғ йўл”(1965) романини, “Нур қидириб” (1957), “Болалик” (1962), “Алишернинг болалиги” (1968) қиссаларини, “Ҳақгўйлар” (1952), “Даврим жароҳати” (1965), “Гули ва Навоий” (1968) дostonларини ёзиб тугатди. У жуда кўп адабиёт остонасида турган ёшларга ҳиммат қўлини чўзиб, Ёзувчилар уюшмасига кириши учун тавсияномалар ёзиб берди. Унинг меҳнатлари инобатга олиниб, 1965 йил “Ўзбекистон Халқ ёзувчиси” фахрий унвони билан тақдирланди. Наим Каримов унинг вафотини шундай тасвирлайди: “1968 йил 1 июлда ўзбек адабиётининг бу азим чинори кутилмаганда кулаб тушди. Унинг қалбини, чақноқ кўзларини, бутун вужудини тўлдирган илҳом дарёси тинди. Ўзбек халқи буюк фарзандларининг биридан жудо бўлди”[1] Ойбекнинг жасадини Фаробий қабристонига, Мақсуд Шайхзода, Фафур Фулом, Абдулла Қаҳҳор ёнига қўйдилар.

Ойбек ҳаётининг сўнги кунларида шундай  
сатрларни битган эди:

Самонинг ярмига тушар камалак,  
Нақадар ижодкор, серзавқ табиат!  
Наъша ва сурурга тўла бу фалак,

Не деган нарса бу - ҳасрат ва кулфат!  
Наим Каримовнинг “Ойбек” номли  
рисоласи унинг туғилишидан вафотигача  
бўлган даврдаги, нафақат ижоди, балки ҳаёт  
йўллари ҳам изчил ёритган бадиий асардир.

**Адабиётлар:**

- 1.Наим Каримов. Ойбек. –Т., 1985.
- 2.Назаров Б., Расулов А., Қаҳрамонов Қ., Аҳмедова Ш. Ўзбек адабий танқидчилик тарихи. –Т.,2012.

*(Тақризчи: Ҳ.Жўраев – филология фанлари доктори).*